Қуйма маҳсулотларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш фанидан 2-маъруза машғулоти учун уйга вазифа

1-савол: Қуймакорлик деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Қуймакорлик деб, руда ва бошқа турдаги металл таркибли материаллардан металл олиш жараёнларини ўзида қамраб олган фан, техника ва саноат тармоғига айтилади. Қуймакорлик геология, кончилик киши, рудаларни бойитиш, қуймакорликнинг ўзи ва металлга ишлов бериш (қуймакорлик иши, металларга босим остида ишлов бериш ва б.) лардан иборат бўлган кончилик – қуймакорлик саноатининг умумий занжирида марказий бўғин ҳисобланади.

Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда тошни ўрнига ишлатила бошланган биринчи металл, мис ҳисобланади.

Мисни табиатда эркин ҳолда, кўпинча йирик бўлаклар ҳолида учраши бунинг асосий сабаби эди. Шунингдек соф олтин ва метеорит темирнинг табиатда эркин ҳолда учраши инсоният томонидан буларнинг қисқа муддат ичида ўзлаштирилишига олиб келди. Инсон ҳаётида металларнинг ўрни ҳақида турли тарихий даврларнинг номланиши (масалан, мис даври, бронза даври ва темир асри) ҳам айтиб турибди.

2-савол: Дунёда қора металлар қанча миқдорда ишлаб чиқарилади?

Жавоб: Ҳозирги кунда чўян ва пўлат кўришида темир кўп ишлаб чиқилади. Жаҳонда йилига чўян ишлаб чиқариш 600, пўлат ишлаб чиқариш эса 700 миллион тоннани ташкил этади. Бу эса рангли металлар орасида энг кенг тарқалган алюминийдан 100 марта ортиқ ҳисобланади. Саноати тараққий этган мамлакатларда рангли металлар ишлаб чиқариш йилига 30-35 миллион тоннани ташкил этади. Бу мамлакатда рангли металлар ишлатилиши йиллик ишлаб чиқариш кўрсаткичидан ўртача 10 – 15% га фарқ қилади.